

## АБУ-РАЙХОН БЕРУНИЙНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА ОИД ҚАРАШЛАРИ

Алиева Ш.Р

Тошкент амалий фанлар университети  
катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада маънавиятимизнинг буюк сиймоларидан бири, қомусий олим Абу Раҳон Беруний Уйғониш даври деб аталган биринчи Ренессанс даврида қолдирган илмий, педагогик ва маънавий мероси, таълим-тарбияга оид фалсафий қарашлари таҳлил қилинган. Муаллиф Беруний илмий ва педагогик қарашларида Шарқ педагогикасида биринчи бўлиб, қиёсий тарбия, таълим ва тарбиянинг бирлиги, узвийлиги тўғрисидаги ғояларининг аҳамияти очиқ берилган. Унинг илмий мероси ва педагогик қарашлари нафақат ўз даври балки, ҳозирги давр учун ҳам аҳамиятлилиги ҳақида фикр билдирилган.

**Калит сўзлар:** Маъмун академияси, "Мажлиси уламо", педагогик ва дидактик қарашлар, бошланғич мактаб, олий мактаб-мадраса, узвийлик, қиёсий тарбия, ўрганиш мотивлари, кўргазмали методлар, меҳнат тарбияси.

## ВЗГЛЯДЫ АБУ РАЙХОНА БЕРУНИ В СФЕРЕ ОБРАЗОВАНИЯ

Алиева Ш.Р

Ташкентский университет прикладных наук,  
Старший преподаватель

**Аннотация:** Один из великих деятелей нашей духовности, энциклопедист Абу Рахон Беруни удивил людей мира своим научным, педагогическим и духовным наследием, оставшимся в период первого Возрождения, которое

было названо Ренессансом. В своих научно-педагогических взглядах Берунин первым в восточной педагогике развил идеи о сравнительном образовании, единстве и целостности воспитания и обучения. Его научное наследие и педагогические взгляды важны не только для его времени, но и для настоящего времени.

**Ключевые слова:** Академия Маъмуна, «Маджлиси Уламо», педагогико-дидактические взгляды, начальная школа, высшая школа-медресе, единство, сравнительное обучение, мотивы обучения, показательные методы, трудовое воспитание.

## VIEWS OF ABU RAYKHON BERUNI IN THE SPHERE OF EDUCATION

**Aliyeva Sh.R**

Tashkent University for applied sciences,

Head teacher

**Annotation:** One of the great figures of our spirituality, the encyclopedist Abu Rahon Beruni surprised the people of the world with his scientific, pedagogical and spiritual heritage left during the first Renaissance, which was called the Renaissance. In his scientific and pedagogical views, Beruniny was the first in Eastern pedagogy and developed ideas about comparative education, unity and integrity of education and training. His scientific heritage and pedagogical views are important not only for his time, but also for the present time.

**Key words:** Ma'mun Academy, "Majlisi Ulamo", pedagogical and didactic views, elementary school, higher school-madrasah, unity, comparative education, learning motives, demonstrative methods, labour education

## КИРИШ

Ўзбек халқининг жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссасини улуғ аждодларимиз қолдирган илмий, маданий ва маънавий жараёнлар билан улчанади. Заминимиздан етишиб чиққан улуғ алломалар, фозилу-фузалолар, ислом илми ва маънавиятини дунё аҳлига етказиб берганликлари билан машҳурдирлар, қолаверса, улар қолдирган илмий ва маданий мерос жаҳонни ҳайратга солган.

IX-XII асрлар Шарқнинг Уйғониш даври деб аталган биринчи Ренессанс даврида бизнинг юртимиздан етишиб чиққан маънавиятимизнинг буюк сиймоларидан бири, асли насли Мовароуннаҳрлик бўлган, илм уммонидаги улкан бир тоғ, ҳайратга соларли истеъдод, тан беришга мажбур этадиган ақл, маънан юксакликда енгилмас қудрат, улкан ахлоқий гўзаллик эгаси бўлган Абу Раҳон Беруний кўхна Хоразмнинг Қиёт (ҳозирги Беруний)да 973 йилнинг 4 сентябрида дунёга келган.

Аллома дастлабки таълимни ўзи туғилган Хоразмда олади. Ўша даврдаги ижтимоий – сиёсий воқеалар ҳамда олимнинг илмга бўлган зўр иштиёқи уни Хоразм юридан узоқ-узоқларга етаклаб кетади. Ёшлигиданоқ, илм излаб умргузаронлик қилган олим 22 ёшида Хоразмдан Журжонга келади. Орадан 5 йил ўтиб, аллома ўзининг энг йирик асарларидан бири, жаҳон илмий тафаккурининг ноёб ҳазинаси – “Қадимги халқлардан қолган ёдигарликлар” номли китобини ёзиб, Журжон вилояти ҳукмдори Қобус ибн Вашмирга тақдим этади. Бу милодий 1000 йил эди. Асар Беруний обрусини ҳаётлик давридаёқ ниҳоятда ошириб, нафақат Шарқ дунёсига, балки асрлар давомида инсоният оламига ёйиб келмоқда. [1.6].

Хоразмшоҳ – Маъмун Хоразмда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олгандан сўнг, Урганчни нафақат сиёсий, балки маданий-маърифий марказга ҳам айлантирган эди. 1017 йилга келиб “Маъмун академияси”га асос солиниши жуда кўплаб олимларнинг ижод қилиши учун шарт-шароитлар яратган эди. Абу Раҳон Берунийга бир томондан ватан соғинчи иккинчи томондан “Маъмун

академияси” ташкил қилиниши, унинг ўз юртига қайтиши учун кенг йўл очилди.

Хоразмшоҳ Маъмун академиясида Абу Райҳон Беруний бошлиқ етук олимларга ҳамма имкониятларни яратиб берди. ”Мажлиси уламо” анжуманида риёзат, фалакиёт, ҳикмат, табобат, фалсафа, мантиқ, илоҳият, табиат, хандаса, ўз даврининг қомусий олими мусиқа ва бошқа ақлий ва нақлий билим соҳиблари мунозара ва муҳокамаларида фаол қатнашиб, ўзлари ёзган рисоалар ва илмий асарлар асосида раёсат йиғилишида маъруза қилишган. [2.76-77].

У ўзининг илмий кашфиётлари ва тахминлари билан ўз даврдан 500-600 йил ўзиб кетди ва қомусий ижоди билан жакҳон фани йилномасига унинг номи зарҳал ҳарфлар билан ёзилади. [3.186].

### **АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ.**

Манбаларда таъкидланишича, Беруний 160 га яқин асар ёзган бўлиб, 40 дан ортиқ қўлёзма кўринишидаги китоблари етиб келган.

Беруний асарлари қуйидагича тақсимланади:

-астрономияга оид-70 та; -математикага оид- 20 та; -география, геодезияга оид- 4 та; катогграфияга оид-4 та; иқлим ва об-ҳавога оид-3 та; минералогияга оид-3 та; фалсафага оид - 4 та; физикага оид - 1 та; доришуносликга оид - 2 та; тарих ва этнографияга оид - 15 та; адабиётга оид 28 та.

Беруний Маъмун академиясининг фаол аъзоси булган бухоролик машҳур аллома Абу Али ибн Синонинг педагогик таълимоти ва услубий ижодини бойитган ҳолда Шарқ педагогикасида биринчи бўлиб, қиёсий тарбия, таълим ва тарбиянинг бирлиги, узвийлиги тўғрисидаги ғояларни ривожлантирди. Олим ўзининг маърифий-педагогик ва психологик қарашларини асосан, “Минералогия”, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Китоб ас-Сайдона”, “Ал-қонун ал-Масъудий”, ”Геодезия”, “Мақоллар”, “Эътиқодлар ва динлар ҳақида”, “Қароргоҳ ва омонат жой ҳақида сўз” каби асарларида баён этган. [2.77].

## МЕТОДЛАР

Мақолани нашрга тайёрлашда, илмий манбалардан фойдаланишда, материалларни тизимлаштиришда ва хулосаларни умумлаштириш жараёнида фалсафий тадқиқотнинг тарихийлик, танқидийлик, анализ, синтез методларидан фойдаланилди. Мақоланинг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президент Ш.М.Мирзиёев асарлари, Фармонлари, давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида баён қилинган концептуал ғоялар ташкил қилади. Шунингдек Абу Райхон Берунийнинг ижтимоий-маънавий қарашлари, фикрларини таҳлил қилиш, мустақил хулосалар чиқариш учун, республика миқёсида ўтказилган илмий -амалий конференциялар материаллари, илмий мақолалар, хорижлик олимлар асарларидан фойдаланилди. Шунингдек жамият тараққиётининг янги даврида оммавий ахборот воситалари, жумладан интернетда эълон қилинаётган, жадидчилик ҳаракатининг турли қирралари мазмунини очиб беришга қаратилган фикрлар, Ўзбекистонлик ва хориждаги файласуфлар, тарихчилар, филологлар, адабиётчиларнинг фикр-мулоҳазаларидан фойдаланилди.

## НАТИЖА.

Аллома эришган ажойиб натижалар, у яшаган даврдаги таълим кўриниши ва шаклларига бевосита қизиқиш уйғотиши табиий. У яшаган X-XI асрлардаги таълим тизимини таҳлил қиладиган бўлсак, мусулмон руҳонийлари бошчилигидаги мактаблар икки турга булинган:

- бошланғич мактаб;
- олий мактаб- мадраса.

Одатда мактаблар масжид худудида фаолит кўрсатган. Ҳозирги давр педагоглари уйғониш даври мутафаккирлари яшаган даврдаги шароит билан ҳозирги даврни таққослаганда., улар яшаган давр ва босиб ўтган йўлнинг ниҳоятда машаққатли бўлганлигини ёшларга ўрнак сифатида кўрсатадилар.

Берунийнинг илмий мероси ва педагогик қарашлари нафақат ўз даври балки, ҳозирги давр учун ҳам аҳамиятлидир. У билишда оғзаки ва ёзма

ёдгорликларни ўрганиш, олинган маълумотларга танқидий ёндашиш, ҳақиқатни аниқлаш учун уларни таққослаш, далилларни мантиқий умумлаштириш, хулосаларни назарияга айлантириш борасида фикр юритади.

Буюк олим таълим-тарбияни доимо қатъий илмий асосда бўлиши кераклигини айтади. Беруний ўрганиш мотивлари, кўргазмали ва амалий методлар, бажарилган иш ва олинган билимларни текшириш ва баҳолашнинг ўрни ҳақида ўз асарларида кўплаб мисоллар келтиради. Унинг фикрича ўқув жараёни изчиллик тамойилари асосида кўрилиши лозим. Мутафаккир ўқув жараёнида мақсадлилиқка алоҳида аҳамият қаратади.

Берунийнинг дарслик ва ўқув қўлланмаларига қўйиладиган талаблар ҳақидаги фикрлари ҳам қимматли бўлиб, қўлланма илмий характерга эга бўлиши, равшанлик, қулайлиқка эга бўлиши кераклигини қайд қилиб ўтади.

Абу Райҳон Беруний таълим -тарбияда ақлий ва ахлоқий тарбияни узвий равишда олиб боришни ўз асарларини кўрсатиб ўтган. Мутафаккир ёшларни илмли бўлиши, ахлоқий тарбияси билан чамбарчас боғлиқлигига тўхталиб, улардан ростгўй, раҳмдил, меҳрибон, саховатли, кишиларга илтифотли, хайрихоҳ бўлишни, нажотсиз одамга ёрдам қўлини чўзишни тарғиб қилиб, маккорлик, айёрлик, адолатсизлик, саботсизлик, ҳасислик, бойлиқка ҳирс қўйиш каби иллатларга йўл бермасликни талаб қилади. Ва мураббий сифатида ёшларга қўйидаги панд-насиҳатларини беради:

“Инсон энг олижаноб фазилатлар соҳибидир,- деб ёзади Беруний ўзининг “Минералогия” номли асарида, яқин дўсти бор киши чинакам бахтли кишидир. У дўст муносиб ҳаёт тарзига эга, ёқимли хусусиятлар соҳиби бўлиши лозимдир. Ана шундай чин дўст ҳар бир кишида битта бўлади. Бундан ортиқ бўлмайди. Одам ҳамиша бошқаларга яхшилиқ қилиш имкониятига эга бўлмасада, яхши тилаклар изҳор этсин”, дейди у.

Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Беруний маърифатпарварлик ҳақида гапирар экан, ақл ва ҳунар ҳар бир кишининг энг яхши фазилатларидан, ҳатто баланд мартабалиқ ҳам – билим ва ҳунарга боғлиқ эканини аълоҳида

таъкидлайди: “...одамлар илм туфайли эзгуликка эришадилар. Улар илм ва ҳунар туфайли ёвузликдан халос топадилар. Шунинг ўзи энг аниқ фойда, энг катта давлат эмасми, ахир”.[4.26].

### АСОСИЙ ҚИСМ

Беруний меҳнат тарбиясига ҳам катта аҳамият берган. Олимнинг фикрича, боланинг тўғри ривожланишининг зарурий шарти меҳнатдир. Моддий қадриятларни яратишда айнан меҳнат асосий омил ҳисобланади. Беруний ҳаётни, бахтни меҳнатсиз тасаввур этмаган, меҳнат орқали тарбияни инсон ҳаётининг асоси деб ҳисоблаган. У меҳнат билан тарбиялаш ҳақида гапирар экан, ироданинг катта аҳамиятини қайд этади. Ўз мақсадига эришиш ва билим олиш йўлидаги матонат ҳақида шундай ёзади: “Ўтмишда Птолемей усулини уйғунлаштириш учун кўп меҳнат қилдим”. Ўрганиш жараёнида инсон учун ҳамма нарса қизиқ эмаслиги, аммо иродани кучайтириш туфайли у қийинчиликларни енгиб ўтишни ўрганиши муҳимлигини таъкидлайди.

Берунийнинг қарашича, меҳнатсиз вақтинчалик шуҳрат, кўркам либосларга эга бўлиш мумкиндир, бироқ меҳнатсиз шон-шараф либосига буркана олмай, яланғоч қолиши аниқ эканини кўрсатади. Унинг қайт этишича: “инсон зоти барча ҳайвонлардан юқори туради... ер юзини обод этиш ва уни бошқариб туриш учун ...инсонга катта шараф кўрсатилган, унга ақл-заковат кучи армуғон этилган”.[4.16].

Мутафаккирнинг қарашларида ўз фарзандларини жисмоний меҳнатга ва касб-ҳунарга ўргатмайдиган ота-оналарни қаттиқ танқид қилган:

Ким учса сабий-жаҳд қилмай шуҳратга,

Карам либосига кўзи бўлса оч.

Ғафлат соясида шод бўлур, аммо,

Шарф кийимсиз қолар ёлонғоч.[5.116].

Ҳақиқатдан ҳам педагогиканинг таълим ва тарбия деб аталувчи иккита бўлими бир-бирига таъсир кўрсатади. Таълим орқали тарбиялаш, тарбия орқали эса таълимга рағбатини ошириш мумкин бўлади.

У инсон камолотида куйидаги 3 та нарсанинг муҳумлигини таъкидлайди:

- ирсият;
- ижтимоий муҳит;
- тўғри таълим-тарбия.

Беруний билим умуминсоний кадриятларни ўрганишнинг калити эканлигини ўқтиради. Илм – маърифатли одам жамият тақдири, инсонлар тақдири учун курашувчан, барча ёмонликлардан узоқдир:” Илмнинг фойдаси очкўзлик билан олтин – кумиш тўплаш учун бўлмай, балки у орқали инсон учун зарур нарсаларга эга бўлишдир”. [4.44].

Шундан кўринадики, Берунийнинг инсон ақли, билими ва касб-ҳунар ҳақидаги маърифий – педагогик қарашлари мазмунида барча эзгу ишларнинг асоси илму маърифатда эканлиги ҳақидаги ғоя асосий ўринда туради.

Абу Раҳон Беруний таълим-тарбия бирлиги ва ахлоқ масалаларига ҳам фақат ўз даврининг етук тарбияшунос олими сифатида ёндашади. У ўзининг дидактик қарашларида ўқувчиларни мактабда ўқитиш ва тарбия жараёнида, турли мавзулар юзасидан мулоҳазалар юритишни, шунингдек, ўқувчини зериктирмасликни таъкидлаб: “Бизнинг мақсадимиз ўқувчини толиктириб қўймасликдир, ҳадеб бир нарсани ўқийвериш зеркарли бўлади ва тоқатни тоқ қилади. Агар ўқувчи бир масаладан бошқа масалага ўтиб турса, у худди турли – туман боғ-роғларда сайр қилгандек бўлади, бир боғдан ўтар – ўтмас, бошқа боғ бошланади. Киши уларнинг ҳаммасини кўргиси ва томоша қилгиси келади. Ҳар бир янги нарса кишига роҳат бағишлайди,” деб таъкидлаган. [6.106].

Абу Райҳон Берунийнинг “Ранг-баранг боғ” технологияси ҳамда “Кичик кўламга, оддийликдан мураккабликка” усули дарс жараёнида билимларни ўзида умумлаштиради:

- ўқувчиларни ҳар томонлама билим олишга ундайди, зериктирмайди;
- фанлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминлайди;
- сабабларини аниқлайди;
- уларни баҳолайди;



-бўлаётган воқеаларга нисбатан ўз муносабатини билдиришга ундайди. [1.19].

Беруний ўқитишда визуаллаштиришнинг аҳамиятини таъкидлаган. Унинг фикрича, визуаллаштириш ўрганишни янада қўлай, аниқ ва қизиқарли қилади. Кузатиш эса тафаккурни ривожлантиради. Беруний ўқув жараёнида визуаллаштириш зарурияти ҳақида гапириб, шундай деб ёзган эди: “Кўринадиган нарсани тасаввур қилишга одатланганингда, аста-секин тасаввур қилинадиган нарсага ўтиш осон бўлади”. Олим равшанликдан ташқари материалнинг изчиллиги ва тизимли тақдим этилишига, унинг узатилишига катта аҳамият беради. У фанларнинг фундаментал тамойилларини билмасдан туриб, инсоннинг илмий фаолияти маъносиз, деб ҳисоблаган.

Буюк олим таълим-тарбияни доимо қатъий илмий асосда бўлиши кераклигини айтади. “Хронология” асарида маълумотларнинг илмий жиҳатдан қатъийлиги ва тўғрилигини, уларнинг ҳаммасини аниқлаб олгунча, ноаниқ маълумотларни етказишдан ўзини тутиш кераклигини таъкидлайди. Яъни ҳар қандай мулоҳаза етарли асосга эга бўлиши лозимлигини таъкидлаб, шубҳали ва номаълум маълумотларни қўшмасликга чақиради.

Ўз даврининг қомусий олимнинг таълим – тарбия соҳасида берган тавсиялари ҳозирги давр таълим жараёнида ҳам долзарблигича қолмақда. Унинг кўрсатишича ўқувчиларга билим бериш жараёнида қўйидагиларга эътиборни қаратишга тўхталиб ўтган:

-ўқувчини зериктирмаслик;

-узвийлик ва изчилликка эътиборни қаратиш;

-дарс жараёнида ўтиладиган мавзуларни қизиқарли қилиб олиб бориш.

Муттафаккир мамлакатнинг тараққий этиши ёшларнинг юксак билимга эга бўлиши ва маърифатли бўлишида деб қайт қилади: ”Илм даргоҳига кирар экансан, қалбинг кишини оздирувчи иллатлардан, одамни кўр қилиб қўядиган ҳолатлардан, чунончи, қотиб қолган урф-одатлардан, хирсдан, рақобатдан, очкўликнинг қули бўлишдан озод бўлмоғингдаркор” [4.40].

Абу Райҳон Берунийнинг педагогик қарашларида ўқитиш жараёнларида ўқувчига ёдлатиш эмас, ўрганилаётган мавзунини яхши англаб олишни таъкидлайди. Унинг қарашларида ўқувчи нимага эътиборини кучлироқ қаратса, ана шу нарсага кўпроқ эришади. Олдин билмаган нарсаларни билиб олганда кишининг қалбида шундай ҳолат вужудга келади.

Олим ўқувчиларга билим бериш билан жаҳолат ва нодонликдан қутқариш учун қарашар экан.”...билимлилик орқали нодонлик қўтарилади, азоб-уқубат бўлган шак-шубҳа ўрнига илм натижасида аниқлик киради”[7.70].

Беруний ёшларни илмга ўргатиш жараёнида ақлга ва тажрибадан ўтган билимга таяниш лозимлиги тўғрисидаги ғояни илгари сурган ҳолда, болалар билиши ва ўрганиши лозим бўлган фанларни ҳақиқий фанлар (тил, адабиёт, фалсафа, тарих, этнография, шеърят, психология, математика, физика, география, геодезия, фалакият, химия, минералогия, тиббиёт)га бўлади. Бу фанларнинг ўз давригача бўлган билимларни умумлаштириб, ўзининг янги хулосалари билан катта ҳисса қўшади. Жумладан, Беруний умуман тил, тил илми ҳақида гапириб, тил кишилар ўртасидаги алоқа ва фикр алмашуви воситасигина эмас, балки тил илми барча фанларнинг асосий ўрганиш калити, дейди. Шуниси ҳарактерлики, Беруний тилнинг пайдо бўлиши, ўлар ўртасидаги тафовут ҳамда сўзлар этимологияси, атамаларнинг имлоси, атама ва ибораларда синоним ва омонимика ҳодисалари, турли тил атамаларида семантик маъно ва шунга ўхшаш бир қатор муаммолар устида тўхталиб, ўз даври учун илғор фикрлар билдирган.[3.194].

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни қайд қилиш мумкинки, сўнги йилларда Ўзбекистонда таълим соҳасидаги ўзгаришлар шитоб билан олдинлаб бормоқда. Таълимда олиб борилаётган ислохотларни кечиктириш мамлакат тараққиётига катта зарба бўлиши, тарбияга берилмаган бир сониялик эътиборсизлик жамиятни маънан бошқага қарам қилиб қўйиши мумкин. Чунки бугунги глобаллашув жараёнида ахборот оқими вақт ҳам, ҳудуд ҳам, маъно ҳам

танламайди. Ҳозирги ахборот даври ўта кучли қуролга ва мафкуравий кучга айланиб улгурди. У ҳар қандай жамиятни инқирозга ёки уни тарққий эттира оладиган қудратга эга бўлди. У илм, билим, тарбия, ғоя, мафкураларнинг талқинига боғлиқ, холос. Шунинг учун ҳам қайси халқни фарзандлари билимли ва маънан бой бўлсагина, шу халқ жаҳон тараққиётининг олдинги сафида бўлади. Маънавиятимизнинг буюк сиймоларидан бири, қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг биз учун, замонамиз учун қадрли бўлган таълим ва тарбия хусусидаги кўплаб фикрлари, панду-насихатлари, ўғитлари дастурул амал бўлиб хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдували Норбоев, Мастура Овлақулова. Абу Райҳон Беруний таълим-тарбия хусусида. - Тошкент: "ZUXRA BARAKA BIZNES" MChJ босмаҳонаси, 2020. - Б. 6,19.
2. Солижон Ҳасанов. Хоразм маънавияти дарғалари.-Тошкент: "Адолат", 2001.- Б. 76-77.
3. Озод Машарипов, Алишер Машарипов. Хоразмнома .-Тошкент: "Истиқлол нури" нашриёти, 2014.- Б.186,194.
4. Абу Раҳон Беруний. Танланган асарлар.1-жилд.-Тошкент: "Фан",1968.- Б. 26, 16, 44, 40.
5. А. Ирисов. Беруний ҳикматлари. -Тошкент: "Фан", 1973.-Б.116.
6. Ўзбекистон педагогикаси антологияси.-Тошкент: "Ўқитувчи", 1995.-Б.106.
7. Абу Раҳон Беруний.Танланган асарлар.2-жилд.-Тошкент: "Фан",1995.-Б. 70.